

ТОШКЕНТ ТЎҚИМАЧИЛИК ВА ЕНГИЛ САНОАТ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.Т.08.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ТЎҚИМАЧИЛИК ВА ЕНГИЛ САНОАТ ИНСТИТУТИ

ХАБИБУЛЛАЕВ ДОНИЕР АНВАРЖОНОВИЧ

ПОЛИКОМПОНЕНТ ЯНГИ ТУРДАГИ МАТОЛАР УЧУН ХОМ АШЁ
ТАЙЁРЛАШ ТЕХНОЛОГИЯСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

05.06.02 – Тўқимачилик материаллари технологияси ва хом ашёга
дастлабки ишлов бериш

ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2022

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори(PhD) диссертацияси автореферати
мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
техническим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)
on technical sciences**

Хабибуллаев Дониер Анваржонович

Поликомпонент янги турдаги матолар учун хом ашё тайёрлаш технологиясини
такомиллаштириш3

Хабибуллаев Дониер Анваржонович

Совершенствование технологии подготовки сырья для новых видов
поликомпонентных тканей21

Khabibullaev Donier Anvarjonovich

Improving technologies of preparing raw materials for new types of polycomponent
fabrics39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works.....42

ТОШКЕНТ ТЎҚИМАЧИЛИК ВА ЕНГИЛ САНОАТ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.T.08.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ТЎҚИМАЧИЛИК ВА ЕНГИЛ САНОАТ ИНСТИТУТИ

ХАБИБУЛЛАЕВ ДОНИЕР АНВАРЖОНОВИЧ

ПОЛИКОМПОНЕНТ ЯНГИ ТУРДАГИ МАТОЛАР УЧУН ХОМ АШЁ
ТАЙЁРЛАШ ТЕХНОЛОГИЯСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

05.06.02 – Тўқимачилик материаллари технологияси ва хом ашёга
дастлабки ишлов бериш

ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2022

Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2021.2.PhD/Т2307 рақами билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти ҳузуридаги Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.titli.uz) ва «Ziyonet» ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Арипджанова Дилафруз Уктамовна
техника фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Набиева Ирода Абдусаматовна
техника фанлари доктори, профессор

Рахимов Алишер Юсупжонович
техника фанлари доктори, доцент

Етакчи ташкилот:

Наманган муҳандислик технология институти

Диссертация ҳимояси Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.03/30.12.2019.Т.08.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил 25 август соат 14⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил:100100, Тошкент ш, Шохжаҳон кўчаси, 5. Тел.: (+99871) 253-06-06; (+9987) 253-08-08, факс: (+99871) 253-36-17; email: titlp_info@edu.uz, Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти маъмурий биноси, 2-қават, 221-хона).

Диссертация билан Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти Ахборот – ресурс марказида танишиш мумкин. (142-рақами билан рўйхатга олинган). Манзил:100100, Тошкент ш., Яккасарой тумани, Шохжаҳон кўчаси, 5. Тел.: (+99871) 253-06-06, (+9987) 253-08-08.

Диссертация автореферати 2022 йил 11 август куни тарқатилди.
(2022 йил 11 августдаги 142-рақамли реестр баённомаси).

И.К.Сабиров

Илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш раиси, т.ф.д.

А.З.Маматов

Илмий даражалар берувчи Илмий
кенгаш илмий котиби, т.ф.д., профессор

Н.Р.Ханхаджаева

Илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш қошидаги
илмий семинар раиси, т.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда аралаш толали поликомпонент иплар ва матолар ишлаб чиқариш бўйича АҚШ, Англия, Хитой, Япония, Корея, Ҳиндистон, Россия каби давлатлари етакчи ҳисобланади. Республикамиз ипак ишлаб чиқариш бўйича етакчи ўринлардан бирини эгалламоқда. Дунё миқёсида 2021 йилда 57 млн. тоннадан ортиқ кимёвий толалар (полиэстер) ишлаб чиқилиб, толалар улушидан 52% ташкил этган¹. Турли толаларни аралаштириш, уларни узунликларини ва улушларини бир-бирига мослигини аниқлаш, тўшама учун қатламларни тайёрлаш, дастгоҳлар кетма-кетлигини тўғри ўрнатиш ва улар учун режим ва параметрларни асосланган ҳолда такомиллаштириш муҳим вазифалардан ҳисобланади. Поликомпонент иплардан юқори сифатли ва рақобатбардош маҳсулотлар олиниши, турли тўқимачилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш, янги такомиллаштирилган техника ва технологияларни амалиётга жорий этишни тақозо этади. Шу жиҳатдан турли толалардан поликомпонент ипларни олиш ва улардан ишлаб чиқарилган маҳсулотларлардан фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади.

Дунёда табиий жун толаси ҳамда кимёвий толалар аралашмасидан йиғирилган ипларидан газламалар ишлаб чиқариш, уларни илмий асосларини яратишга йўналтирилган илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Ушбу йўналишда, жумладан поликомпонент янги турдаги матолар учун хом ашё тайёрлаш бўйича тадқиқотлар устивор ҳисобланмоқда. Бу борада, қўй жунларининг дағал, яримдағал, ингичка толаларини хусусиятларини тадқиқ этиш ҳамда уларни ипак ва полиэфир толалари билан аралаштириш мумкин бўлган турларини асослаш, табиий ипак ва полиэфир толаларининг хусусиятларини ўрганиб, аралаш таркибли поликомпонент ип ишлаб чиқариш технологиясини такомиллаштиришга алоҳида эътибор берилмоқда.

Республикамизда янги аралаш толали таркибдаги тўқимачилик ипларини ишлаб чиқиш, ташқи кўриниши ипак жилולי ва ғижим бўлмайдиган, ипак, жун ва бошқа толалар аралашмасидан газламалар яратиш, ички ва ташқи бозор талабларига жавоб берувчи сифатли маҳсулотларни олиш технологияларини ишлаб чиқиш, ипак, жун ва аралаш толалардан маҳсулотларнинг янги турлари ва ассортиментларини ишлаб чиқиш юзасидан кенг қамровли чора-тадбирлар амалга оширилиб, муайян натижаларга эришилмоқда. 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида, жумладан «...ипак маҳсулотидан шойи газламалари тайёр маҳсулотлари, шунингдек импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқаришдаги мавжуд бўшлиқларни тўлдириш орқали 2026 йилга бориб саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмларини ошириш...»² бўйича муҳим вазифалар белгилаб берилган. Ушбу вазифаларини амалга оширишда, жумладан, маҳаллий табиий ипакнинг толали чиқиндиларини жун толаси ва кимёвий толалар билан аралашмасидан

¹ https://textileexchange.org/wp-content/uploads/2021/08/Textile-Exchange_PREFERRED-Fiber-and-Materials-Market-Report_2021.pdf

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги Фармони

поликомпонент ип калавалар олиш ва улардан дунё бозорининг барча талабларига жавоб бера оладиган газламалар ассортиментларини яратиш ва уларнинг илмий асосларини такомиллаштириш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йилнинг 5 майидаги ПФ-5989-сон «Тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноатини қўллаб қувватлашга доир кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони, 2018 йил 04 декабрдаги ПҚ-4047-сон «Республикада пиллачилик тармоғини жадал ривожлантиришни қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги, 2019 йилнинг 31 июлидаги ПҚ-4411-сон «Пиллачилик тармоғида чуқур қайта ишлашни ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устивор йўналишларига мослиги. Мазкур илмий иш республика фан ва технологиялари ривожланишининг II «Энергетика, энергия ва ресурстежам-корлик» устивор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.

Янги тузилишдаги хом ашё ва янги турдаги маҳсулотлар, турли комбинациядаги юқори ҳажмли ва эшилган иплар, табиий ва кимёвий толалар аралашмасидан бикомпонент ва поликомпонент йигирилган иплар ва улардан турли ассортиментдаги газлама ва матолар яратиш усуллари билан хусусиятлари яхшиланган маҳсулотлар олиш техника ва технологияси асосларини яратиш ва уларни ишлаб чиқаришга тадбиқ этиш билан ҳорижда F.Furie, A.B.Pakshver, M.V.Emmanuel, V.E.Gul, V.R.Regel, N.Lederman, Alfrey, L.A.Flekser ва бошқалар, таниқли рус олимлари, жумладан, В.Е.Зотиков, И.В.Будников, П.П.Трыков, А.В.Терюшнов, Г.Н.Кукин, А.Н.Соловьев, И.Г.Борзунов, Н.И.Труевцев, В.А.Усенко, А.Г.Севостьянов, В.П.Щербаков, Г.В.Соколов, М.Н.Белицин, А.Г.Коган, К.Н.Ушакова, В.А.Ворошилов, К.И.Корицкий, В.Е.Гусев, М.Е.Цуцков, В.А.Протасова, В.Е.Слываков ва бошқалар томонидан ўтказилган.

Республикамизда табиий толалар ва кимёвий толаларни қайта ишлаш ва уларнинг аралашмаларидан йигирилган иплар ишлаб чиқариш бойича тадқиқотлар Х.А.Алимова, Р.З.Бурнашев, И.З.Бурнашев, И.А.Набиева, О.А.Ахунбабаев, Д.У.Арипджанова, А.Э.Гуламов ва бошқалар томонидан бажарилган.

Мазкур тадқиқотлар натижаларининг таҳлили шуни кўрсатадики, ўтказилган тадқиқотларда жун - табиий ипак, жун - кимёвий тола - табиий ипак аралашмали бикомпонент ва поликомпонент иплар ва улардан янги ассортиментдаги тўқималар яратиш устида тегишли тадқиқотлар етарлича ўтказилмаган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасисининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғликлиги. Диссертация тадқиқоти Ўзбекистон табиий толалар илмий

тадқиқот институтининг № Ф-А-2018-009 «Поликомпонент тўқима ва кийим ишлаб чиқариш ва хомашё тайёрлаш технологиясини яратиш» мавзусидаги давлат гранти илмий лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади янги турдаги поликомпонентли газлама олиш учун табиий жун, полиэфир, табиий ипак толалари аралашмасидан йигирилган ип калава ишлаб чиқариш технологиясини такомиллаштириш ва олинган ипларни, матоларни физик-механик хусусиятларини тадқиқ қилишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

табиий ипак ва бошқа табиий толалар турлари хусусиятларини ўрганиш ва таҳлил қилиш, уларни бошқа толалар билан аралаштириш мумкин бўлган турларини аниқлаш ва илмий асослаш;

пилла етиштириш ва қайта ишлашда ҳосил бўладиган иккиламчи ресурсларни ишлаб чиқаришга жалб этиш кўламини кенгайтириш;

табиий ипак, жун ва кимёвий толаларни аралаштиришдаги толаларнинг ўзига хос хусусияларидан келиб чиқиб, технологияни такомиллаштириш;

кўй жунларини ингичка, яримингичка ва яримдағал турлари хусусиятларини тадқиқ этиш ва ипак ва кимёвий толалар билан аралаштириш мумкин бўлган турларини илмий асослаш;

табиий ипак, кимёвий ва жун толалари улушли микдорининг ўзгаришига мос равишда аралаш толали ип калава хусусиятларини ўзгаришини тадқиқ қилиш;

аралаш ип калавадан тўқилган тўқима таркибидаги толалар улушли микдорини газламанинг физик-механик хусусиятларига таъсирини тадқиқ этиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида жун, полиэфир ва табиий ипак толалари ҳамда улар аралашмасидан йигирилган ип калавалар, янги турдаги газламалар ишлаб чиқариш усулларининг такомиллаштирилган ресурстежамкор технологияси олинган.

Тадқиқотнинг предмети сифатида жун, кимёвий ва табиий ипак толаларида аралашма тайёрлаш ва йигириш технологик жараёни, аралаш толали йигирилган ип калава олиш технологияси ҳамда улардан тўқилган матони хусусиятлари олинган.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот жараёнида иплар механикаси, математик ҳисоблаш қоидалари, статистик таҳлил усуллари, тўла факторли тажриба таҳлили ёрдамида регрессия моделлари куриш усуллари ҳамда мавжуд меъёрий ҳужжатларда белгиланган усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

жун, полиэфир ва табиий ипак толаларини маълум улушларда қатламлардан фойдаланилган ҳолда аралашма ҳосил қилиш орқали илк бор поликомпонент йигирилган ип олиш технологияси яратилган;

кўй жунларининг ингичка, яримингичка ва яримдағал турларини хусусиятлари аниқланган, уларни табиий ипак ҳамда полиэфир толалари билан кўшиб ишлашга мослиги илмий асосланган ҳамда янги аралаштириш усули ишлаб чиқилган;

поликомпонент йиғирилган ип ишлаб чиқаришда табиий ипак ва жун толаларига синтетик толаларни қўшишнинг рационал улушлари аниқланган;

табиий ипак, жун полиэфир толаларини қатламлар орқали аралаштириб, йиғириш усули билан мустаҳкамлиги юқори бўлган поликомпонент ипи олинган ва физик-механик хусусиятлари соф жундан тайёрланган ипга ҳамда тўқимага нисбатан сезиларли даражада яхшиланган ипак жилולי поликомпонент мато ишлаб чиқарилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

илк бор поликомпонент газлама тўқиш учун хомашё тайёрлаш технологияси яратилган ва ишлаб чиқаришга жорий этилган;

биринчи марта поликомпонент ип калавадан янги ассортиментдаги газлама намуналари ишлаб чиқарилган ва уларнинг физик-механик, технологик, сифат, эксплуатацион хусусиятларини юқорилиги аниқланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги тадқиқ қилинган муаммо соҳасида маълум назарий, экспериментал тадқиқотларнинг мослиги, изланишлар замонавий услуб ва воситалардан фойдаланилган ҳолда асосли танланганлиги, ўтказилган апробациялар ва ишлаб чиқаришга жорий этилган натижаларнинг ижобийлиги, уларнинг ўрганилган фан соҳасидаги маълумотлар билан қиёсий таҳлил қилиб асосланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти қўй жунларининг ингичка, яримингичка ва яримдағал турларининг хусусиятларини тадқиқ қилишдан келиб чиққан ҳолда табиий ипак ва полиэфир толалари билан аралаштириш усуллари илк бор ишлаб чиқилганлиги, поликомпонент йиғирилган ип калава ишлаб чиқаришда табиий толаларга синтетик толаларни қўшишнинг оптимал миқдорлари назарий асосланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти поликомпонент газлама ишлаб чиқариш учун хом ашё тайёрлаш усуллари ва технологияларини такомиллаштирилганлиги, уларни жорий этиш натижасида юқори сифатли аралаш толали ип калава ишлаб чиқариш орқали рақобатбардош янги турдаги газламалар ассортиментини кенгайтириш имкониятини яратилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларини жорий қилиниши. Поликомпонент янги турдаги газламалар учун хом ашё тайёрлаш технологиясини яратиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

табиий ипак толали чиқиндилари, жун ва полиэфир толаларидан аралаш йиғирилган ип калава олиш усулига Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлиги қошидаги Интеллектуал Мулк Агентлигининг ихтиро учун (IAP 06302) патенти олинган. Натижада ушбу усулдан фойдаланиш орқали поликомпонент газламалари олиш учун аралаш толалардан йиғирилган ип калава тайёрлаш технологияси яратилган;

поликомпонент янги турдаги газламалар учун хом ашё тайёрлаш технологияси «Ўзтўқимачиликсаноат» уюшмаси таркибидаги корхоналарда,

хусусан , «Osborn textile» МЧЖ, «Uzwoolentex» МЧЖ, «Lyuks plyus servis» МЧЖ корхоналарида («Ўзтўқимачиликсаноат» уюшмасининг 2021 йил 1 августдаги 4-2/1605 сонли маълумотномаси) жорий этилган. Натижада, аралаш толалардан йигирилган ип калава олиш, янги технология ва усулда ишлаб чиқарилган йигирилган ип калавалар ассортиментини қўллашда меҳнат унумдорлигини 10-15 %-га ошириш имконияти яратилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 8 та халқаро ва 5 та Республика миқёсидаги илмий-техник ва илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 20 та илмий ишлар чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Олий Аттестация Комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 5 та мақола нашр этилган, шундан 2 та мақола чет элда чоп этилган бўлиб, Ўзбекистон Республикасининг 1 та ихтирога патенти олинган.

Диссертациянинг тузилиши ва хажми. Диссертация иши кириш, 4 та боб, умумий хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг хажми 116 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқот мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, Республика фан ва технологиялари ривожланишининг устивор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти ёритиб берилган, тадқиқот натижаларини ишлаб чиқаришга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертация ишининг «**Тўқимачилик иплари ишлаб чиқариш ва қайта ишлаш технологияларига оид адабиётлар таҳлили**» деб номланган биринчи боби сўнгги йиллардаги диссертация мавзусига оид илмий маълумотларни таҳлиliga бағишланган бўлиб, бу ўрганиб чиқиладиган мавзунинг замонавий ҳолатини аниқлаш, уларнинг таҳлиliga асосан тадқиқот вазифаларини белгилаш имкониятини беради. Ўрганиб чиқилган илмий-техникавий нашрлар таҳлиlidан маълум бўлдики, табиий ипак, жун ва полиэфир синтетик толаларининг олиш, улардан тўқимачилик иплари ишлаб чиқариш, олинган иплардан тўқималар тўқиш ва уларни пардозлаш технологиялари кенг қамровли тадқиқ қилинган. Жаҳон тўқимачилик толалари балансида йилдан-йилга табиий толалар улуши камайиб, уларни ўрнини синтетик толалар эгаллаб бормоқда. Шунинг учун дунё бўйича табиий толаларни тежаш мақсадида, уларни синтетик толалар билан аралашмасидан аралаш толали калава иплар ишлаб чиқариш технологияларидан кенг фойдаланилмоқда. Жаҳон тўқимачилик саноати амалиётида табиий ва кимёвий толалар аралашмасидан бикомпонент ва поликомпонент калава иплари олиш ва

улардан турли тўқималар тўқиш технологиялари кенг қўлланилади. Бунда асосан пахта + табиий ипак, пахта + жун, табиий ипак + жун, пахта + полиэфир, табиий ипак + полиэфир, жун + полиэфир, жун + полиэфир + вискоза, пахта + полиэфир + вискоза ва бошқа кўплаб аралашмалардан фойдаланилади. Хорижий давлатларда ишлаб чиқарилаётган аралаш толали калава ипларни таркибида кимёвий толалар улуши табиий толаларга нисбатан анча юқори бўлади ва бунинг натижасида бу иплар хусусиятларида кимёвий толалар хусусиятлари кўпроқ намаён бўлади. Кўриб чиқилган илмий-техникавий маълумотларда жун + полиэфир + табиий ипак толалари аралашмасидан поликомпонент калава иплар олиш технологияси ҳақида маълумот учрамади ва бундай технологияни яратиш долзарб масала эканлиги маълум бўлди.

Диссертациянинг «**Поликомпонент йиғирилган ип ишлаб чиқаришнинг асослари**» деб номланган иккинчи бобида қўй жунларининг хусусиятларини тадқиқ этиш ҳамда уларни ипак ва полиэфир толалари билан аралаштириш мумкин бўлган турлари асосланди, табиий ипак ва полиэфир толаларининг хусусиятлари ўрганиб чиқилди. Ушбу бобда Ўзбекистон Республикаси худуди ва хорижда тарқалган қўй зотлари жунларининг технологик ва сифат кўрсаткичлари ўрганиб чиқилди ва уларни табиий ипак ва полиэфир толалари билан аралаштириш имкониятлари тадқиқ қилинди.

Поликомпонент йиғирилган ипларни ишлаб чиқаришда аралашма таркибини оптималлаштириш масаласи мураккаб, уни ечиш учун бир нечта усуллар қўллаш мумкин бўлади. Биз илмий ишимизда поликомпонент калава ипларидаги толалар улушларини оптималлаштиришни икки омилли тажриба натижалари асосида регрессия тенгламаларини куриш орқали бажарилди.

Таркиби жун, полиэфир ва табиий ипак толаларидан иборат калава ип учун унинг узилиш кучига компонентлар улушларининг таъсирини статистик ишлов ўтказиш усулида тадқиқот ўтказамиз. Тажриба давомида улушлар йиғиндиси ўзгармай 100% фоизни ташкил этади.

1-жадвал.

Статистик ишлов бериш матрицаси


т/р	x_1	X_1	x_2	X_2	у -чиқиш параметри (ип узилиш кучи, сN/текс) оғиши $y_i = (y_{i1} + y_{i2})/2, S_i = (y_{i1} - \bar{y}_i)^2 + (y_{i2} - \bar{y}_i)^2, R_i = (\hat{y}_i - \bar{y}_i)/y_i $					
					y_{i1}	y_{i2}	\bar{y}_i	S_i	\hat{y}_i	R_i
1	$\frac{50}{40}$	-	$\frac{30}{30}$	-	20,8	22,7	21,75	1,805	1,65	0,459
2	$\frac{55}{45}$	+	$\frac{30}{30}$	-	18,2	21,4	19,8	5,120	19,7	0,505
3	$\frac{50}{40}$	-	$\frac{35}{35}$	+	20,1	22,8	21,45	3,645	21,55	0,466
4	$\frac{55}{45}$	+	$\frac{35}{35}$	+	17,3	22,1	19,7	11,52	19,8	0,508

Бу шарт компонентлар улушининг бири эркин ҳолда танланиб, қолган иккитаси шартли равишда ҳар хил вариантда танлаб олинишини кўрсатади. Шунга кўра омиллар икки группага бўлинади. Эркин омил сифатида табиий ипак (эркин омил), боғланган омиллар: жун ва полиэфир. Эркин омилнинг олинган қийматларида тажриба жун ва полиэфирга нисбатан ўтказилиб, регрессия тенгламаси уларга боғлиқ тузилади. Тажрибалар сони $N = 4$ бўлиб, омиллари ва чиқиш параметри (ип узилиш кучи, сN /текс) оғишлари матрицаси $m = 2$ учун (сурат- биринчи, маҳраж- иккинчи параллел тажрибалар) y_{i1} ва y_{i2} - биринчи ва иккинчи параллел тажрибалар натижалари асосида статистик ишлов бериш матрицасини тузамиз:

Икки омилли тажриба натижаларини (X_1, X_2) текислигидаги $-1 < X_1 < 1$, $-1 < X_2 < 1$ квадратдаги эгри чизиқлар оиласи $\hat{y} = F(X_1, X_2) = y_0$ ларни жойлаштириб, y_0 турли қийматларида квадрат соҳасида жойлашадиган эгри чизиқларни аниқлаймиз. Бизнинг ҳолда тенглама X_1 ва X_2 чизиқли бўлиб, X_2 омили (полиэфир) иккала параллел тажрибада бир хил бўлганлигини ҳисобга олиб, уни эркин ўзгарувчи этиб, тенгламани биринчи омил X_1 (жун) га нисбатан ечамиз

$$X_1 = (y_0 - b_0) / (b_1 + b_{12} X_2) \quad (1)$$

Чиқиш параметри \bar{y}_0 нинг ҳар хил қийматларида (3) боғланишнинг графиклари 1 - расмда келтирилган.



1-расм. Калава ип узилиш кучи $\bar{y} = y_0$ (сN/текс) нинг турли қийматларида биринчи омил X_1 (жун)нинг иккинчи омил X_2 (полиэфир) билан боғлиқлик графиклари

бунда: $1 - y_0 = 21,65$, $2 - y_0 = 21,4$, $3 - y_0 = 21,2$, $4 - y_0 = 21$, $5 = 20,8$, $6 - y_0 = 20,6$, $7 - y_0 = 20,4$, $8 - y_0 = 20,2$, $9 - y_0 = 20$, $10 - y_0 = 19,7$

Юқорида келтирилган графикнинг таҳлили асосида қуйидаги хулосаларни қилиш мумкин:

график чиқиш параметрининг барча қийматларида иккала кириш омиллари орасидаги боғланиш кучли эмаслигини, $y_0 > 20,6$ бўлганда омиллар мусбат бўлиб, чиқиш параметрининг бу қийматларида улар ўсувчи бўлишлигини изоҳлайди;

чиқиш параметрининг $21,65 < \hat{y} < 19,79$ оралигидаги қийматларни қабул қилиши мумкинлиги, ва унинг фиксирланган қийматларида иккинчи омил X_2 (полиэфир) омил берилганда биринчи омил (жун)нинг қийматини эса графикдан олиш керак бўлади;

бундан ташқари чиқиш параметри (ипнинг узилиш кучи) $\hat{y} > 21,65$ ва $\hat{y} < 19,79$ бўлганда биринчи ва иккинчи чиқиш параметрларнинг танланган интервалларида улар орасида (б) кўринишдаги боғланиш ўринли бўлмаслигини тенглама белгилайди. Масалан $y_0 = 21$ учун (1-расмда 4-график) $X_1 = 0,5$ да $X_2 = -0,3611$ олиниши $X_1 = -0,5$ да эса $X_2 = -0,342$ га тенг бўлиши керак.

Таркиби бир неча турдаги толалардан иборат бўлган йиғирилган калава ипининг нисбий узилиш кучини А.А.Синицин томонидан таклиф этилган тенглама ёрдамида ҳам аниқлаш мумкин:

$$P_{o.c.m.} = P_{o_1} \cdot a_1 + P_{o_2} \cdot a_2 + \dots + P_{o_n} \cdot a_n \quad (2)$$

бунда: $P_{o.c.m.}$ – алоҳида компонентлардан иборат аралаш калава ипининг нисбий узувчи куч, сН/текс; a_1, a_2, \dots, a_n – ҳар бир компонент улуши, %.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, мазкур тенгламадан фақат тола компонентларининг узилишдаги чўзилиш даражаси бир хил ёки бир-бирига яқин бўлгандагина фойдаланиш мумкин. Аммо жун, табиий ипак ва полиэфир толаларининг узилишдаги чўзилиши турли кўрсаткичларга эга.

Шунинг учун янги поликомпонент калава ипларни узуш кучлари миқдорини аниқлашда А.Н.Ванчиков томонидан таклиф этилган, турли хусусиятли толалардан иборат бўлган калава иплари узилиш кучи миқдорини аниқлаш формуласидан фойдаланиш тавсия этилади:

$$P_{o.c.пp} = P_{o.c.p.в} \cdot K_{cm} \quad (3)$$

бунда: $P_{o.c.p.в} = n_1 \cdot P_{o.в_1} + n_2 \cdot P_{o.в_2} + n_3 \cdot P_{o.в_3}$ -аралаш толали йиғирилган калава ипининг нисбий узиш кучининг ўртача миқдори, сН/текс; $P_{o.в_1}$; $P_{o.в_2}$ ва $P_{o.в_3}$ - аралаш калава ипи таркибидаги толалар нисбий узиш кучлари, сН/текс; n_1 ; n_2 ва n_3 – толалар улуший миқдори, %; K_{cm} – калава ипида аралаштирилаётган толалар узиш кучининг фойдаланиш коэффициенти.

А.А. Синицин ва А.Н. Ванчиковлар таклиф этган формулалар асосида ва параметрларни оптимизация қилиш натижасида назарий томондан исботланган поликомпонент (жун+ипак+полиэфир) йиғирилган ипларнинг нисбий пишиқлиги (толалар улушига боғлиқ ҳолда) 20-30 сН/текс оралигида бўлиши аниқланган.

Диссертациянинг «**Жун, табиий ипак ва полиэфир толалари аралашмасидан поликомпонент йиғирилган ипларни ишлаб чиқаришни такомиллаштирилган технологияси**» деб номланган учинчи бобда уч таркибли поликомпонент йиғирилган ип ишлаб чиқариш технологиясини яратиш, уни ишлаб чиқариш корхонасида синовдан ўтказиш, шунингдек толалар аралашмасини оптимал вариантини аниқлаш тадқиқотлари натижалари келтирилган. Жаҳон тўқимачилик саноати амалиётида турли толаларнинг аралашмасидан бикомпонент ва поликомпонент калава иплари ишлаб


чиқарилиши сир эмас. Лекин жун, полиэфир ва табиий ипак толаларининг аралашмасидан поликомпонент калава ип ишлаб чиқариш технологияси илк бор яратилган ва бу Ўзбекистон Республикасининг патенти билан ҳам тасдиқланган. Поликомпонент иплари олиш технологиясини ишлаб чиқиш давомида унинг таркибига кирувчи толаларнинг хусусиятлари тадқиқ қилинди, бунда толаларнинг чизиқли зичлиги, нисбий узувчи куч ва узилишдаги чўзилиш каби хусусиятларига эътибор қаратилди. 2-жадвалда тадқиқотлар натижаларида олинган толаларнинг баъзи бир хусусиятларининг ўртача қийматлари келтирилди.

2 - жадвал.


Поликомпонент ип таркибидаги толаларнинг баъзи бир хусусиятлари

Кўрсаткичлар	Толалар		
	Жун	Ипак	ПЭФ
Чизиқли зичлиги, текс	0,33-0,38	0,12-0,31	0,22-0,27
Нисбий узувчи куч, сN/текс	9-12	17-22	29-33
Узилишдаги чўзилиш, %	22-25	15-17	30-45
Штапел узунликлари, мм	40	40	38

2-расмда эса аралашмадаги толаларнинг чизиқлиги зичлиги, нисбий узувчи куч, узилишдаги чўзилиш кўрсаткичлари тасвирловчи диаграмма келтирилган.



2-расм. Толаларнинг узилишдаги хусусиятлари бунда: 1- жун толаси; 2- ипак толаси; 3-полиэфир толаси



3-расм. Аралаш толалар массасида жун ва табиий ипак толаларининг штапел узунликлари бўйича олинган натижалар кўрсаткичлари графиклари бунда: 1- жун толаси; 2- табиий ипак толаси.

2-жадвал ва 3-расмларда келтирилган толаларнинг кўрсаткичларидан кўриниб турибдики, жун толасини узилишдаги чўзилиши ипак толасига нисбатан 46 % баланд бўлса, полиэфир толасиники эса ипак толасига нисбатан 234 % юқори. Жун толасига нисбатан эса ипак толасини пишиқлиги 71 %, полиэфир толасиники 300 % юқори. Амалиётда эса бундай толаларни чизикли зичликлари ва штапел узунликларини рационал улушларини аниқлаб аралашма хом ашёдан йигирилган ип ишлаб чиқарилганда, толаларнинг ижобий хусусиятлари таъсири натижасида олинган ипнинг сифатини яхшиланганлиги аниқланди. Аралаш толалар массасида жун ва табиий ипак толаларининг штапел узунликлари бўйича олинган натижалар кўрсаткичлари графиклари 3-расмда келтирилди.

3-расмда келтирилган графиклар таҳлили шуни кўрсатадики, тадқиқ қилинган жун ва табиий ипак толаларининг штапел узунликлари бир - бирига жуда яқин. Поликомпонентли йигирилган ипларни ишлаб чиқаришда яна бир муҳим жараён толалар аралашмасини тайёрлаш ҳисобланади. Шунинг учун ҳар бир толалар массаси кондцион намликда, алоҳида лабазларда 48 соат давомида дам берилиб, сўнгра тўшамалар тайёрланди. Амалий тадқиқотлар бир неча такрорланиш асосида амалга оширилди. Хом ашё тўшамаси қуйидаги схемада ташкил этилди: жун, полиэфир, ипак ва опимал вариант топиш учун массада қуйидаги процентларда аралашмалар қабул қилинди:

- жун толаси, % 30-50
- полиэфир толаси, % 25-40
- табиий ипак толаси, % 20-30

Амалий тажрибалар асосида жун, полиэфир ва ипак толаларидан поликомпонент йигирилган ип ишлаб чиқаришни янги рационал технологияси яратилди. Ҳозирги кунда Республикаимизнинг пиллакашлик корхоналарида ҳосил бўладиган табиий ипакнинг толали чиқиндиларни хусусиятлари ўрганиб чиқилди ва ингичка (камвол) жун толалари билан аралаштириш учун чувишга яроқсиз пиллалар гуруҳи ва чала чувилган пиллалардан ишлаб чиқарилаётган ипак тўшамалари мос келиши аниқланди. Жун толасига пишиқлиги юқори бўлган полиэфир ва табиий ипак толаларини қўшиб, аралашма толалардан ҳар хил вариантларда юқори сифатли поликомпонент йигирилган иплари олинди. Поликомпонент йигирилган ипнинг сифат кўрсаткичлари соф жун ипига нисбатан нисбий узиш кучи 57%, узилишдаги чўзилиши эса 19% га яхшиланган бўлиб, ип йигириш жараёнидаги йигирилаётган ипнинг узилишлари сони 32% га камайди. Поликомпонентли йигирилган ип ишлаб чиқаришда табиий хом ашёларга полиэфир толаларни қўшишнинг рационал миқдори 10-40% оралиғида бўлиши исботланди.

3-жадвалда поликомпонент калава ипнинг вариантлари бўйича физик-механик хусусиятларининг тадқиқи бўйича олинган натижаларнинг солиштирма кўрсаткичлари келтирилган. Назорат варианты бўйича 100 % жун толасидан тайёрланган калава ип кўрсаткичлари қабул қилинган.


Поликомпонент калава ипининг вариантлари ва 100 % жун калава ипи физик-механик хусусиятларининг солиштирма кўрсаткичлари

Кўрсаткичлар	Йигирилган калава иплар			
	Назорат	Тажриба вариантлари		
		Жун – 100%	I вариант жун – 50% ипак – 30% ПЭФ – 20%	II вариант жун – 40% ипак – 35% ПЭФ – 25%
Чизиқли зичлик, текс	33	31,5	34,5	20
Чизиқли зичлик бўйича вариация коэффициенти, %	4,1	3,6	3,1	3,2
Нисбий узуш кучи, сN/текс	17,2	27,1	29,6	25,9
Узишдаги чўзилиш, %	29,0	34,7	35,9	39,1
Бурамлар сони, бр/м	770	630	650	760
Бурамлар сони бўйича вариация коэффициенти, %	1,7	1,2	1,3	1,5
1000 урч./с учун йигиришдаги узилишлар сони, дона	237	160	157	140

3-жадвалда келтирилган кўрсаткичлар таҳлилидан куйидагиларни кўриш мумкин: 100 % жун толали калава ипига нисбатан олганда, чизиқли зичлиги 31,5 текс бўлган поликомпонент калава ипи (I вариант) нисбий узиш кучи миқдори 57%-га ва узишдаги чўзилиш 19 %-га ошган, йигиришдаги узилишлар сони эса 32 %-га камайган. Тажриба вариантлари калава ипларининг нисбий узиш кучи ва узишдаги чўзилиши назорат вариантга нисбатан анча юқорилиги ва йигиришдаги узилишлар сони сезиларли даражада камлигини кўриш мумкин.

Поликомпонент иплар ишлаб чиқариш технологиясини яратиш доирасида тадқиқотларни ўтказиш давомида поликомпонент калава иплар ишлаб чиқариш учун аралашмаларнинг бир нечта вариантлари синовдан ўтказилди.

Тадқиқот вариантларида толалар улушлари куйидагича тақсимланди: I вариантда – жун 50 %, полиэфир 30 %, табиий ипак 20%; II вариантда – жун 40 %, полиэфир 25 %, табиий ипак 35%; III вариантда – жун 30 %, полиэфир 30 %, табиий ипак 40 %.



4 - расм. Компонентларни аралаштириш учун тайёрланган тола тўшамаларини тахтлаш схемаси
бунда: 1 – жун толаси қатлами; 2 – полиэфир толаси қатлами;
3 – ипак толаси қатлами

Барча вариантлар бўйича поликомпонент калава ишлаб чиқариш “OsbornTextile” МЧЖ корхонасидаги мавжуд технологиялар ёрдамида амалга оширилди. Поликомпонент калава ипларини ишлаб чиқаришда толалар аралашмасини тайёрлаб олиш ўта муҳим жараён ҳисобланади. Толалар тўшама шаклида бир бирлари устига қаватма-қават қилиб тахтлаб чиқилади. Поликомпонент калава ип олишда қатнашаётган толалардан тўшамалар тайёрлаш ва уларни тахтлаш 4 - расмда келтирилган схемада кўрсатилгандек тарзда амалга оширилиши мумкин.

Шу тариқа 3 компонентли тўшама хосил қилинади ва 24-48 соат маълум климатик шароитда ушлаб турилгандан кейин барча технологик жараёнлар амалдаги технология асосида амалга оширилади.

Ушбу тадқиқот иши бўйича жун, полиэфир ва табиий ипак толалари аралашмасидан поликомпонент йигирилган калава иплари ишлаб чиқариш учун 5-расмда келтирилган технологик жараёнлар тизими ишлаб чиқилди ва жараёнлар бўйича технологик жиҳозлар танлаб олинди.

5-расм. Жун, полиэфир ва табиий ипак толаларидан поликомпонент калава ип ишлаб чиқариш учун технологик жараёнлар тизими ва жиҳозлар

Жун, полиэфир ва табиий ипак аралаш толаларидан йигирилган поликомпонент калава иплари ишлаб чиқаришда тараш, пилталаш, пиликлаш, йигириш жараёнларининг рационал параметрлари ўрнатилган.

Аралашманинг оптимал варианты бўйича «OsbornTextile» МЧЖ корхонасида таркиби жун-полиэфир-табиий ипак толаларидан иборат бўлган поликомпонент йигирилган калава иплари саноат намуналари ишлаб чиқарилди ва корхонанинг синов лабораториясида Uster тизимидаги лаборатория анжом ва ускуналарида корхонада қабул қилинган тартибда синовлардан ўтказилди.


Лаборатория синови натижаларининг таҳлили ишлаб чиқарилган поликомпонент калава ипи халқаро стандартлар томонидан калава ипларга қўйилган талаблар: узувчи куч, узилишдаги чўзилиш, нотекистик, ингичка ва йўғон жойлар ва тугунлар кўрсаткичлари бўйича юқори натижа эга эканлигини кўрсатиб турибди.

Диссертациянинг «**Поликомпонент йиғирилган калава ипларидан ишлаб чиқилган тўқималарнинг хусусиятлари**» деб номланган тўртинчи бобида ишлаб чиқарилган поликомпонент калава ипларнинг sanoat партиясидан тўқима ишлаб чиқариш технологияси тизими, поликомпонент калава ипларидан газлама тўқишнинг техник ҳисоби, олинган тўқималарнинг технологик, сифат ва эксплуатацион хусусиятларини тадқиқ қилиш натижалари келтирилган.


Поликомпонент аралаш толали калава ипларидан газлама тўқишда компонентлар калава ипини йиғиришда аралаштирилган ҳолда ёки турли турдаги иплар ўзаро эшилган ҳолда бўлиши мумкин. Тўқув корхонасида калава ипига қуйидаги ишловлар берилади: ипларни жуфтлаш, эшиш, қайта ўраш, танда тайёрлаш, эмульсиялаш, охорлаш, тўқув дастгоҳи жиҳозларидан ўтказиш, тандаларни улаш, буғда буғлаш, тўқиш, газламани тозалаш, саралаш ва ўрамлар шаклида тахтлаш. «Osborn textile» МЧЖ корхонасида ишлаб чиқарилган поликомпонент калава ипларидан Марғилон шаҳрида жойлашган «Uzwoolentex» МЧЖ корхонасида костюмбоп аралаш толали газлама ишлаб чиқарилди.

Поликомпонент калава ипи таркибини аниқлаш устида олиб борилган тадқиқот ишлари натижасида бундай таркибдаги калава иплари толавий улуший таркибини аниқлаш усули амалда етарли эмаслиги маълум бўлди. Шунга кўра ТТЕСИ олимлари билан ҳамкорликда жун, табиий ипак ва полиэфир толалари аралашмасидан тайёрланган поликомпонент калава ипининг толалар улуший таркибини аниқлаш методикаси ишлаб чиқилди. Бу эса жун-полиэфир-табиий ипак аралашмасидан тайёрланган поликомпонент тайёр ипида бу толаларнинг аниқ улушларини кўрсатиб беради ва уларнинг поликомпонент ипларидаги миқдорини олдиндан белгилаш имкониятини яратади.


Янги поликомпонент газлама хусусиятларининг сифат кўрсаткичларини баҳолаш ва бу кўрсаткичларни чет элдан олиб келинаётган жун газламалар хусусиятлари билан таққослаш мақсадида, ушбу газламанинг сифат ва физик-механик кўрсаткичларини аниқлаш тадқиқотлари ТТЕСИнинг сертификатланган «CentexUz» лабораториясида ўтказилди. Ўтказилган синов натижалари график кўринишда 6-8 - расмларда келтирилди.



— танда — арқоқ
6-расм. Газлама сифатини комплекс баҳолаш (намуна жун -100%)



— танда — арқоқ
7-расм. Газлама сифатини комплекс баҳолаш (намуна жун -70%; ипак-30%)



— танда — арқоқ
8-расм. Газлама сифатини комплекс баҳолаш (тажриба намуна: жун -50%, полиэфир – 30 %, табиий ипак – 20 %)

Ўтказилган тадқиқотлар натижаларидан қуйидагича хулосага келиш мумкин: таркибида турли миқдорда жун толалари бўлган газламаларнинг узилишдаги куч бўйича кўрсаткичлари таҳлилидан соф жун толали газламаларнинг узилишдаги куч миқдори танда бўйича 31,1 сN ва арқоқ бўйича 26,7 сN, узилишдаги чўзилиш миқдори танда бўйича 20,3 % ва арқоқ бўйича 25,2 % эканлиги аниқланди (6-расмга қаранг).

Жун толасига табиий ипакнинг толаси билан биргаликда полиэфир толасини қўшиб поликомпонент ип ҳосил қилган ҳолда ишлаб чиқарилган газлама хусусиятлари жун-ипак газламага (7-расмга қаранг) нисбатан ҳам яхшироқ эканлиги 8-расмдан кўриниб турибди. Бу намуна таркибига полиэфир қўшилгандан сўнг унинг узилишдаги пишиқлиги жун-табиий ипак таркибли газламага нисбатан танда бўйича 27 %-га, арқоқ бўйича эса 3 %-га ошган. Узилишдаги чўзилиш эса мос равишда 10 ва 6%-га кўпайган. Бошқа кўрсаткичлар ҳам ижобий томонга ўзгарган. Лекин поликомпонент газламанинг ҳаво ўтказувчанлик хусусияти бикомпонент (жун-табиий ипак) газламага

нисбатан 14 % -га пасайган. Бироқ соф жун газлама ҳаво ўтказувчанлигига солиштирганда поликомпонент газлама ҳаво ўтказувчанлиги қарийиб 5 % -га ошган. 100 % полиэфир толасидан тўқилган газламанинг узилишдаги кўрсаткичлари соф жун газламага нисбатан анча юқори бўлишига қарамай, унинг ҳаво ўтказувчанлиги деярли беш маротаба паст, шунинг учун синтетик толали газламалардан тикилган маҳсулотларда қулайлик даражаси жуда паст. Бундан ташқари жун газламага 2 % лайкра ипи қўшилиши билан газламанинг узилишдаги чўзилиши соф жун газламага нисбатан икки баравардан зиёдрок ошишини кўриш мумкин.

Тадқиқот натижаларини ишлаб чиқаришга тадбиқ этиш натижасида олинган кутилаётган умумий иқтисодий самарадорлик: 50% жун толаси, 20 % ипак тола ва 30 % полиэфир толасидан ишлаб чиқарилган поликомпонент калава ип, 100% ли жун толасидан ишлаб чиқариладиган калава ипига нисбатан олганда - 17,4 млн. сўм; бир тонна янги таркибли аралаш компонентли калава иплардан газлама ишлаб чиқаришдаги иқтисодий самарадорлик (2890 * 6009) 17,4 млн. сўм; умумий иқтисодий самарадорлик эса 34,8 млн. сўмни ташкил қилади.

ХУЛОСА

1. Жаҳон бўйича тўқимачилик толалари балансида табиий толалар улушини йилдан йилга камайиб бораётганлиги бу толаларга бўлган эътиборни кучайтириш, айнан шу толалар асосида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар ҳажмини кўпайтириш зарурлигини талаб қилади.

2. Камвол жун (64К) толасининг тола узунликлари тақсимооти бўйича умумий массанинг 75 % ни 80-120 мм толалар ташкил қилиши аниқланди. Бу эса уларни бошқа толалар, масалан табиий ипак чиқиндиларидан олинган толалар узунлиги билан мос келиши ва бу толалардан аралаш толали калава иплари олиш имконияти мавжудлиги аниқланди, 40-55 мм жун ва штапелланган ипак толалари, полиэфир аралашмаларидан кардо-тарокли усулда йигирилган ип ишлаб чиқариш мумкинлиги исботланган.

3. Тадқиқотлар натижасида чизиқли зичлиги 0,33-0,37 текс бўлган жун ва чизиқли зичлиги 0,12-0,31 текс бўлган табиий ипак чиқиндиларидан олинган толаларининг нисбий узувчи кучлари мос равишда 8,9 сN/текс ва 17,2 сN/текс ва узишдаги чўзилиши мос равишда 28 ва 17% -ни ташкил этиши аниқланди.

4. Полиэфир (ПЭФ) қаттиқ халқали полидисперс тузилишга эга ва у кристалланади. Бу тола юқори тартибли ички тузилишга эга, унинг 55-75 % ни кристалл қисми ташкил этади. Унинг жун ва табиий ипак толалари билан аралаштиришга тавсия қилинган толасининг чизиқлиги 0,22-0,27 текс бўлиши керак.

5. Жун, полиэфир ва ипак толаларини аралаштириб поликомпонент калава ип олишнинг назарий асослари ишлаб чиқилди ва бунда полиэфир толаларининг аралашмадаги миқдори 40 %дан ортиқ бўлмаслиги тавсия этилди.

6. Аралашманинг оптимал варианты бўйича «OsbornTextile» МЧЖ корхона-сида мавжуд технологик ускуналар ёрдамида жун-полиэфир-ипак аралаш калава ипи кичик партиядан ишлаб чиқарилди ва поликомпонент иплари лаборатория синовларидан ўтказилди. Лаборатория синовлари натижалари поликомпонент калава ипининг 100 % жун калава ипига нисбатан узилишдаги кучи 1,6 ва чўзилиши 1,2 бараварга кўпайгани, узилишдаги ва чўзилишдаги вариация коэффициентлари ҳам ижобий томонга яхшиланганлигини кўрсатди.

7. Поликомпонент (50 % жун+30 % полиэфир+20 % табиий ипак толалари) йиғирилган ипдан саржа ўрилиш усулида тўқилган газламани узилишдаги кўрсаткичлари 27 % яхшиланган ва юза зичлиги 270 г/м² бўлган янги намунаси тўқиб чиқарилди.

8. Танлаб олинган барча аралаш толали газламалар ва тажриба намунаси-поликомпонент газламаларнинг сифат кўрсаткичлари тўлиқ ўрганиб чиқилди, олинган натижалардан, бу газламаларнинг технологик ва истеъмол хусусиятлари юқори бўлиши исботланди.

9. Тадқиқот натижаларини ишлаб чиқаришга тадбиқ этиш натижасида олинishi кутилаётган умумий иқтисодий самарадорлик: 50% жун толаси, 20 % ипак тола ва 30 % полиэфир толасидан ишлаб чиқарилган поликомпонент калава ип, 100% ли жун толасидан ишлаб чиқариладиган калава ипига нисбатан олганда - 17,4 млн. сўм; бир тонна янги таркибли аралаш компонентли калава иплардан газлама ишлаб чиқаришдаги иқтисодий самарадорлик (2890 * 6009) 17,4 млн. сўм; умумий иқтисодий самарадорлик эса 34, 8 млн. сўмни ташкил қилади.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.03/30.12.2019.Т.08.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ТАШКЕНТСКОМ ИНСТИТУТЕ
ТЕКСТИЛЬНОЙ И ЛЕГКОЙ ПРОМЫШЛЕННОСТИ**

**ТАШКЕНТСКИЙ ИНСТИТУТ ТЕКСТИЛЬНОЙ И ЛЕГКОЙ
ПРОМЫШЛЕННОСТИ**

ХАБИБУЛЛАЕВ ДОНИЕР АНВАРЖОНОВИЧ

**СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ ТЕХНОЛОГИИ ПОДГОТОВКИ СЫРЬЯ
ДЛЯ НОВЫХ ВИДОВ ПОЛИКОМПОНЕНТНЫХ ТКАНЕЙ**

**05.06.02 – Технология текстильных материалов и первичная
обработка сырья**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО ТЕХНИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Ташкент-2022

Тема диссертации доктора философии (PhD) по техническим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № В2020.3.PhD/T1845.

Диссертация выполнена в Ташкентском институте текстильной и легкой промышленности.

Автореферат диссертации на трёх языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета Ташкентского института текстильной и легкой промышленности (www.titli.uz) и Информационно-образовательном портале «Ziyonet» (www.ziyonet.uz).

Научный руководитель: **Арипджанова Дилафруз Уктамовна**
доктор технических наук, профессор

Официальные оппоненты: **Набиева Ирода Абдусаматовна**
доктор технических наук, профессор

Рахимов Алишер Юсупжонович
доктор технических наук, доцент

Ведущая организация: **Наманганский инженерно - технологический институт**

Защита диссертации состоится 25 августа 2022 года в 14⁰⁰ часов на заседании Научного совета DSc 03/30.12.2019.T.08.01 при Ташкентском институте текстильной и легкой промышленности по адресу: 100100, г. Ташкент, ул. Шохжахон, 5. Административное здание Ташкентского института текстильной и легкой промышленности, 222-я аудитория, тел.: (+99871) 253-06-06, (+99871) 253-08-08, факс: (+99871) 253-36-17; e-mail: titlp_info@edu.uz.

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского института текстильной и легкой промышленности (зарегистрирована за №142). Адрес: 100100, г. Ташкент, ул. Шохжахон, 5, тел.: (+99871) 253-06-06, (+99871) 253-08-08.

Автореферат диссертации разослан 11 августа 2022 года.
(реестр Протокола рассылки №142 от 11 августа 2022 года).

И.К.Сабилов

Председатель Научного совета по присуждению
ученых степеней, д.т.н.

А.З.Маматов

Ученый секретарь Научного совета по присуждению
ученых степеней, д.т.н., профессор

Н.Р.Ханхаджаева

Председатель Научного семинара при научном совете
по присуждению ученых степеней, д.т.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В мире такие страны, как США, Англия, Китай, Япония, Корея, Индия, Россия, являются лидерами в производстве поликомпонентных нитей и тканей из смесовых волокон. Наша республика занимает одно из ведущих мест по производству натурального шелка. По всему миру в 2021 году произведено более 57 млн. тонн химических волокон (полиэстер), что составляет 52% доли волокна¹. Смешивание различных волокон, определение сочетаемости их длин и пропорций, подготовка слоев к подстилке, расстановка правильной последовательности машин и усовершенствование их по режимам и параметрам является важной задачей. Это требует получения качественной и конкурентоспособной продукции из поликомпонентных нитей, производства различных текстильных изделий, внедрения новых усовершенствованных техники и технологий. Производство различных текстильных изделий из поликомпонентных нитей требует внедрения в практику новой техники и технологий. В связи с этим использование изделий из смесовых волокон является важным направлением.

В мире, ведутся научно-исследовательские работы, направленные на производство тканей из пряжи в смеси с натуральным шерстяным волокном и химическими волокнами, создание их научной основы. В этом направлении приоритетными считаются, исследования по подготовке сырья для новых видов поликомпонентных тканей. В связи с этим особое внимание уделяется исследованию характеристик грубых, полугрубых и тонких волокон овечьей шерсти и обоснованию видов, которые можно смешивать с шелковыми и полиэфирными волокнами, изучая свойства натуральных шелковых и полиэфирных волокон, совершенствования технологию производства поликомпонентной пряжи смешанного состава.

В нашей республике ведутся широкоформатные меры по разработке текстильной пряжи с новым смешанным составом волокон, созданию тканей из шелковых, шерстяных и других смесей волокон с шелковистым блеском и немятым внешним видом, разработке технологий получения качественной продукции, отвечающей требованиям на внутреннем и внешнем рынках, разработке новых видов и ассортиментов изделий из шелка, шерсти и смесовых волокон. В Стратегии развития нового Узбекистана на 2022-2026 годы поставлены важные задачи, в том числе «...увеличить объем производства промышленной продукции к 2026 году за счет восполнения имеющихся пробелов в производстве готовых шелковых изделий из шелковых нитей, а также импортозамещающей продукции...». ² Важной задачей при обеспечении выполнения данных задач является производство поликомпонентных нитей из

¹ Указ Президента Республики Узбекистан №УП-60 от 28 января 2022 года “О Стратегии развития Нового Узбекистана на 2022-2026 годы”

² Указ Президента Республики Узбекистан №УП-60 от 28 января 2022 года “О Стратегии развития Нового Узбекистана на 2022-2026 годы”

смеси волокнистых отходов местного натурального шелка, волокна шерсти и химических волокон и производство из этих смесовых нитей нового ассортимента тканей, отвечающих требованиям международного рынка и усовершенствование их научной основы.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, предусмотренных в Постановлениях Президента Республики Узбекистан от 4 декабря 2018 года ПП-4047 «О дополнительных мерах по поддержке ускоренного развития шелковой отрасли в республике», от 31 июля 2019 года ПП-4411 «О дополнительных мерах по развитию глубокой переработки в шелковой отрасли» и Указе Президента Республики Узбекистан УП-5989 от 05 мая 2020 года «О неотложных мерах по поддержке текстильной и швейно-трикотажной промышленности» направленных на проведение в стране широкомасштабных реформ по производству готовых промышленных изделий из смеси местных натуральных волокон, созданию новой научно-обоснованной техники и технологий, а также повышению эффективности производства.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологии республики. Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетными направлениями развития науки и технологий республики II «Энергетика, энергия и ресурсосбережение».

Степень изученности проблемы. По созданию основы техники и технологии получения изделий с улучшенными свойствами и способами создания полотен и тканей различных ассортиментов из сырья новой структуры, а также новых видов продукции, высокообъемных и крученых нитей разных комбинаций, бикомпонентных и поликомпонентных видов пряжи, полученных из смеси натуральных и химических волокон и внедрением их в производство, проводили исследования зарубежные ученые, как F.Furie, A.V.Pakshver, M.V.Emmanuel, V.E.Gul, V.R.Regel, N.Lederman, Alfrey, L.A.Flekser, российские ученые В.Е.Зотиков, И.В.Будников, П.П.Трыков, А.В.Терюшнов, Г.Н.Кукин, А.Н.Соловьев, И.Г.Борзунов, Н.И.Труевцев, В.А.Усенко, А.Г.Севостьянов, В.П.Щербаков, Г.В.Соколов, М.Н.Белицин, А.Г.Коган, К.Н.Ушакова, В.А.Ворошилов, К.И.Корицкий, В.Е.Гусев, М.Е.Цуцков, В.А.Протасова, В.Е.Слываков и другие.

Исследования по переработке натуральных и химических волокон и производству пряжи из их смесей в нашей республике проводили ученые, как Х.А.Алимова, Р.З.Бурнашев, И.З.Бурнашев, И.А.Набиева, О.А.Ахунбабаев, Д.У.Арипджанова, А.Э.Гуламов и другие.

Анализ результатов этих исследований показывает, что в исследованиях по созданию бикомпонентных и поликомпонентных нитей из смеси шерсть-натуральный шелк, шерсть-химическое волокно-натуральный шелк и созданию из них новых ассортиментов тканей недостаточно исследованы.

Связь темы диссертации с научно-исследовательскими работами высшего образовательного учреждения, где выполнена диссертация. Диссертационное исследование выполнено в рамках плана научно-

исследовательских работ, выполненных в Узбекском научно-исследовательском институте натуральных волокон в соответствии Государственными грантами Ф-А-2018-009 «Создание технологии подготовки сырья и производство поликомпонентных тканей и одежды».

Целью исследования является совершенствование технологии производства пряжи из смеси волокон натуральной шерсти, полиэфира, натурального шелка для получения нового вида поликомпонентной ткани и исследование физико-механические свойства полученных нитей и тканей.

Задачи исследования:

изучение и анализ свойств натурального шелка и других натуральных волокон, определение и научное обоснование возможности смешивание их с другими видами волокон;

расширение область применения вторичных ресурсов, образуемых при производстве и переработке коконов;

усовершенствование технологии смешивания волокон исходя из специфических свойств натурального шелка, шерсти и химических волокон;

исследование свойств тонких, полутонких и полугрубых видов овечьей шерсти и научное обоснование возможности смешивание их с шелковыми и химическими волокнами;

исследование изменения свойств смесовой пряжи в зависимости от изменения долевого содержания в смеси натурального шелка, химических и шерстяных волокон;

исследование влияния на физико механические свойства смесовой ткани долевого содержание волокон в смесовой пряже.

Объектом исследования являются волокна шерсти, полиэфира и натурального шелка, а также совершенствованная, ресурсосберегающая технология производства новых видов тканей из пряжи, полученных из смеси с этими волокнами.

